

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Имтиёзларнинг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида"ги, "Давлат мукофоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"

ги, "Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга қўшилишига оид яна бир қанча қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республи-

каси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси бўлими давлат қўмитасининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вақилининг (Омбудсман-

нинг) 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

Янги мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн учинчи янги мажлисга тайёргарлик куриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова зиммасига юклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси И.Юсупова ва бошқалар Президентининг Ислоҳ Қарорига раъномалиқда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида ёш авлод қамолоти, истиқболи тўғрисида ҳаммуҳри қўрсатиш устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Бу ҳаётлар таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавий-маърифий соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

ЁШ АВЛОД МАНОФАТИ — ҲИМОЯДА

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Бола ҳуқуқларининг» кафолатлари тўғрисидаги қонун ёш авлоднинг ҳуқуқ ва пухта билим эгаллаши, мукамил тарбия олиши, саломатлигини муҳофазатлаши, ўз қўли билан қўлиятига мўъносилини таъминлаш, жамиятнинг ўзини-ўзи ривожлантириш ва янада такомиллаштириш, муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига қўра ёш авлод манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга оид эзгу ишлар қўлами тобора кенгаётгани эътиборлидир.

Ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, таълим тизимини ислохотларни чуқурлаштириш ва янада такомиллаштириш, бу соҳадаги ҳуқуқий-маърифий ҳужжатларни такомиллаштириш, ёш авлоднинг ҳаётга қатъий эътиқод ва қарарли руҳда тарбиялаш каби масалалар ушбу ҳужжатда муҳим йўналишлардан бири этиб белги-ланган.

Халқро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича бюроси раҳбари Илоий Фулти, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар диққатга сазовор эканини таъкид-лади.

Конференцияда болалар ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида қўнувчанликнинг олдини олишда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, таълим масканларининг ўзаро ҳамкорлигини янада қўлайлаштириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, бу бордаги чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини ва самардорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

таассурот қолдирган. Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари — миллий ва замонавий услубни ўзда муассасам эгтан кўркам иншоотлар, раво йўللари, гузал боғ-роғлар ҳар қандай ҳозирликни маъну этиди. Халқимизнинг меҳнатқўстлигини, ҳушмуомаллигини ва урф-одатларини жуда қадрлайман.

Олег ВАСИЛЬЕВ, Россия Фанлар академияси академиги:

— Бўлиб ўтган халқаро конференция Орол минтақаси келажак учун ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Бу ерда юзга келган вазиятни бартафоз этиш, биринчи навбатда, сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал этишга боғлиқ ва бу катта микдорда маблаг сарфлашни талаб этади. Конференцияда бунинг учун нафақат олимлар ва мутахассислар, балки дунёдаги халқаро ташкилотлар, молия институтлари, ишбилармон доиралар сай-ҳаракатини бирлаштириш зарурлиги бир неча бор таъкидланди.

Менинг касбим муҳандис-гидротехник ва Орол муаммоси билан бир йилдан тўбун ўзгариш учун муаммонинг барча жиҳатлари, биринчи гада, Орол денгизи хавзаси сувидан фойдаланишнинг гидротехник тартиби, минтақа атроф-муҳитининг жисмоний ва экологик аҳоли ўзгариши билан боғлиқ халқаро жиҳоди хисобга олинган янги, ностандарт ёндашувлар, ком-

плекс сай-ҳаракатларни амалга ошириш зарур.

Мен ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан биргаликда Давлатлар мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссияси Илмий-ахборот маркази тадқиқотларида, жумладан, ушбу ўзига хос сув хавзасини экологик қайта тиклаш бўйича лойиҳани ишлаб чиқишда иштирок этидим. Менимча, айни пайтда Оролнинг гарбий, қўқур сув ости қўминчи қайта тиклаш муҳимдир. Лойиҳанинг амалга оширилиши яқин вақт ичида бу ерда сувнинг шўрланганини камайтириш имконини беради. Демак, балиқчиликни, шунингдек, ён-атрофдаги ерлар ҳолатини яхшилаш ҳўсобидан қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш имконияти пайдо бўлади. Шўбҳасиз, буларнинг барчаси бу ерда яшовчи аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир қўрсатади.

Тошкентда ташкил этилган Орол муаммоси бўйича конференция ниҳоятда самарали ва фойдали бўлди. Конференция тўғрисида биз, турли мамлакатлардан ташриф буюрган олимлар ва мутахассислар бугунги кунда амалга оширилаётган чора-тадбирларни муҳокама этиш билан бирга келгусидаги ишлар йўналишларини ҳам белги-лаш олдик. Ўзбекистон томонидан тайёрланган лойиҳалар рўйхати бу бордаги ишларни рўйба рўйба чиқаришда катта ёрдам бўлди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса, Орол инқирози оқибатларини енгилаштириш имконини беради.

Ноҳира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбирлари.

ДЎСТЛИК ТУҲФАСИ ЖЎНАТИЛДИ

Яқинлашиб келаятган Наврўз байрами муносабати билан юртимизнинг Берлиндаги элчихонаси томонидан Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдамининг навбатдаги туркуми юборилиши ташкил этилди. Ушбу туҳфа «Соғлом авлод учун» жамғармаси учун Штатда-ген шаҳридаги «ICN-International Children Help e.V.» хайрия ташкилоти томонидан тайёрланди.

Жамғармага умумий қиймати 180 минг евродан зиёд бўлган ногиронлар аравачаларини юкловчи мосламга эга «Mercedes-Benz» микроавтобуси, рентгеноскопик лаборатория учун анжомлар, операция асбоб-ускуналари, тиббий-санитария материаллари ва бошқа жиҳозлар жўнатилди.

Инсонпарварлик юқини расмий топшириш маросимида «ICN e.V.» президенти Д. Киндерманн, Штатдаген шаҳри бургомистри Б. Хельманн, шаҳар жамоатчилиги ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Д. Киндерманн сўзга чиқиб, Ўзбекистонга сафари таассуротлари билан ўртоқлашди. У мамлакат раҳбарияти томонидан иқтимоий соҳага, жумладан, хаста ва ногирон болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътиборни алоҳида қайд этди.

«ICN e.V.» хайрия ташкилоти раҳбари «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келинаётганини айтиб ўтди. Унинг сўзларига қўра, «ICN e.V.» инсонпарварлик ёрдами қўрсатаётган бошқа мамлакатлардан фарқли равишда мазкур юборилган юк ўз манзилига тўла-тўқис ва бус-бутун ҳолда етиб бориши масаласида кўнгли тўқ эканини таъкидлади. Д. Киндерманнинг сўзларига қараганда, айнан шу оғил у раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг Ўзбекистон билан мамнуният ял ҳамкорлик қилишнинг асосий сабабларидан биридир.

Б. Хельманн Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат аҳолисини, айниқса, болаларни иқтимоий муҳофазаси қилиш борасида амалга ошираётган сиёсатини юксак баҳолади. У ушбу ажратилган инсонпарварлик ёрдами Штатдаген шаҳри ва «ICN e.V.» ташкилотининг бу йўналишга қўшган ўзига хос ҳиссаси бўлиб қолишига умид билдириди.

Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик юқи «CBT Logistics GmbH» экспортторлик фирмаси томонидан йўл контейнерида манзилга етказиб берилди. Мазкур компания хомийлик қўмағи сифатида йўл харажатларининг бир қисминини ўз зиммасига олди. Унинг қолган қисми эса «ICN e.V.» ташкилоти ҳисобидан қўланади. Мазкур инсонпарварлик юқи жорий йилнинг 25 мартда Ўзбекистонга етиб келиши қўтилмоқда.

Шўхрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири, Берлин.

МАҲАЛЛАНING БАЙРАМИ

Қўнлар иқсиши билан маҳаллада Наврўз олди хашарлари бошлаб юборилди. Қамқон йўл — қўнларнинг тартибга келтирилиши зиммасига олган бўлса, «Намунали миришкор», «Сўрхонбод юлдузи» каби фермер ҳўжалиқлари кўчат экиш, қўприқларни созлаш, эҳтиёманд рўзгорларнинг ҳолидан хабарланишга жазм этишларти. Уй бекалари сумалак учун


«ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

Бўхоро шаҳридаги 2-мактабда Наврўз айёмига бағишлаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» деб номланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятда фаолият қўрсатаётган татар-бошқир, рус, тожик, турк миллий-маданый марказлари фаоллари иштирок этишди.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ муаллимлар, ўқувчи ёшларга таълим ва фан ҳўдимлари касоба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан байрам совғалари улаштилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ



Каттақўрғон электр тармоқлари корхонасида 46 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. Улар томонидан кузги-қишки мавсумга пухта тайёргарлик қўрилгани амалда ўз самарасини бериши. Хўсусан, 2500 метр масофадаги электр линияси сифатли таъмирланиб, «Пайшанба», «Бўстон», «Мойбулок» аҳоли пунктларидаги трансформаторлар янгилангани электр қува-ти таъминотидаги ўзгаришларнинг олдини олиш-га хизмат қилди. Мисол учун, жорий йилнинг

январь ойида 25 минг аҳоли ва бир қатор корхона, ташкилотларга узулқиси 7,5 млн. кв/соат электр қувавати етказиб берилди.

Сиз сўрагудай қўриб турган корхона электр-мониторинг Бобомурод Мўхаммадқўлов ва Шакарбек Ҳудойқўловлар ўз касбининг фидойиси сифатида жамоада ва истеъмолчилар ораси-да ҳурмат-эътибор қозонган.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) оғил сўради.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

барча ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари рўйба чикари-лишини таъминловчи давлат ва жамоат институтлари тизими шаклланди, бу соҳа-даги миллий қонун ҳўжат-лари халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нор-малари инноватга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Пух-та уйланган ички сиёсат, иқтимоий-сиёсий, иқтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ йўналишидаги ислохотлар дастурлари изчиллик билан амалга оширилганлиги на-тижасида МДХ давлатлари орасида жазонини ўтаётган фуқаролар сонини бўйича энг кам қўрсатиш Ўзбекистон-да қайд этилмоқда.

Улим жазосининг бекор қилиниши ва қамқоққа олиш-га санкция бериш ҳўқуқини судларга ўтказилиши мил-лий ҳуқуқий тизимнинг ин-сонпарварлашуви ва либе-раллашуви юзасидан мам-лакатимизда амалга ошири-лаётган иш умумэтироф этилган халқро демократик стандартларга яқинлашиб

ҳўқуқий тизим:

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

бораётганлигининг ёркин ифодаси эканлиги ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳо олганлиги-га мажлисда алоҳида ургу берилди.

Тегишли халқро ҳўқуқий ҳўжатларнинг, шу жумла-дан, БМТнинг Қўноқларга солишга ва муомалада бўлиш ҳамда жазоланиш бошқа шафқатсиз, гайрини-соний ёки қадар-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенциясининг қондаларини миллий қонун ҳўжатларига сингдириш суд-ҳуқуқ тизимини такомил-лаштиришнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизнинг вазир-лик ва идоралари ана шу Конвенция қондаларини ба-жариш юзасидан салмоқли иш олиб бормоқдалар.

Олий Мажлис Инсон ҳўқуқлари бўйича вақилининг (Омбудсманнинг) фуқаро-лар, шу жумладан, маҳкум-лар ҳамда терговдаги шахс-лар ҳўқуқлари ва эркинлик-ларини ҳимоя этишдаги таъ-сирчан роли йўналиши аҳоли томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистонда бу соҳада-ги халқро ҳўқуқорликка кат-та аҳамият бериб келинмо-қда. Ўзбекистон Республика-сини 1999 йилдан бошлаб мазкур Конвенциянинг ба-жарилиш жараёнида БМТнинг Қўноқларга қарши қўмитасига учта Мил-лий маъруза тақдим этди. Учинчи Миллий маърузани қўриб чиқиш ақунларни асо-сида БМТнинг Қўноқларга қарши қўмитаси 2007 йил ноябрда қарор қабул қилди,

унда Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурий ва қонунчилик чора-тадбирла-рига ижобий баҳо берилган.

Шу билан бирга, Конвен-ция қондаларини амалга ошириш жараёни юзасидан ўтказилган таҳлил бу соҳа-да муайян камчилик ва ҳўқ-сонлар борлигини ҳам кўрсатди. Давлатимиз раҳ-бари иқинчи чакриқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида таъкидланган-дек, фуқароларга нисбатан ҳўқуқни муҳофазаси қилиш органлари ҳодимлари томонидан содир этиладиган ҳар қандай қўнунга хилоф ҳар-акатлар батомом барҳам то-пиши зарур. Бу соҳадаги амалдаги қонун ҳўжатлари-ни янада такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Муҳокама ақунлари асо-

сида тегишли қарор қабул қилиниб, унда шу соҳадаги умумэтироф этилган хал-қро норма ва стандартлар-ни миллий қонунчилигимиз-га сингдириш жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс тад-бирларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар баён этилди.

Тадбирда сенаторлар, парламент қўйи палатаси-нинг депутатлари, Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқ-лари бўйича вақили (Омбудс-ман), вазирликлар, идора-лар, ҳўқуқни муҳофазаси қилиш органлари, ноҳкумат ташкилотлар, оммавий ах-борот воситалари вақилла-ри, шунингдек, ҳўқуқшунос олимлар ва экспертлар иш-тирок этдилар.

(ЎЗА).

Ислохот

Бугунги кунда Тошкент вилояти аҳолисининг қарийб бешдан икки қисми шаҳарларда яшамокда. Ушбу ҳудудда Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат», «Махам-Сирчиқ», «Аммофос», Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинати сингари 90 дан зиёд йирик саноат корхоналари фаолият қўрсата-ётгани, табиийки, шаҳар коммунал ҳўжалиқларида ўзига хос муаммоларни юзга келтирмоқда. Чўнки ана шу заводлардан чиқаётган оқова сувлар таркибиде ҳар хил кимёвий унсурлар, саноат аралашмалари, машиий ва ҳўжалик оқиндилари учрайди. Бинобарин, улар табиий муҳитни ифлослантиради.

ТОЗА СУВ, МУСАФФО ҲАВО

Инсон саломатлигининг асосий гаровидир

Шу боис, вилоятда оқова сувларни тозалаш ва зарар-сизлантиришга жиддий эъти-бор қаратилапти. Ҳозир Ангрэн, Бекобод, Олмалик ва Янгийўл шаҳарларида битта-дан, Чирчиқда иккита комму-нал-тозалаш иншооти узул-қис ишлаб турибди. Улар бир кеча-кундузда 466 минг куб метр оқова суви тозалаш ва зарарсизлантириш қуваитига эга.

Бирок, аҳоли сонини ўсгани, қўллаб анги корхоналар қад ростлагани ўз-ўзидан мазкур тармоқ фаолиятини янада та-комиллаштиришни тақозо эт-моқда. Вилоят ҳўқимлиги шуни назарда тутиб, бу бо-рада яхши ташаббусни бош-лади. Янги жорий йилдан эътиборан Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик тумани ва «Чимё-Чорвоқ» дам олиш зонаси-нинг оқова сувларини бир жойга тўплаб, уларни жаҳон экология-санитария талаблари даражасида тозалашни йўлга қўйиш, Чирчиқдаги ком-мунал тозалаш иншоотлари-ни кенгайтириш ва қайта тик-лаш лойиҳаси яратилди.

Лойиҳада белгилашчи-на, мавжуд қурилмалар сафига «Чимё-Чорвоқ» дам олиш зонасидаги оқова сувларни Бақачўлғана узатиб беришчи янги трасса қўйилади. Шу мақсадда мазкур ҳудудлар оралиғида узулқисли салкам беш километрлик йирик кол-лектор бунёд этилади. Ана ён-атрофдаги барча сана-тория ва пансионатлар, кор-хона-ташкilotлар ва хона-донларнинг канализация тар-моқлари уланади. Сўнгга оқова сувлар олдиндан иш-лаб турган катта сигимли қуворлар ёрдамида Чирчиқда-ги сув тозалаш иншоотлари-ни технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашиб, унинг бир кеча-кундузлик қуваити 80 минг куб метрдан 130 минг куб метрга етказилади. Бу ерда

оқова сувлар замонавий тех-нологиялар воситасида мёъ-рий талаблар даражасида босқичма-босқич тозаланиб ва зарарсизлантирилган ҳолда, инсон соғлиғига, ҳай-вонот ва наботот дўнёсига салбий таъсир қўрсатмайдиган даражага келтирилади, шундан сўнггина Чирчиқ дарёсига оқибди юборилади.

— Албатта, тош-метин ўнқир-чўнқирликлардан иборат тоғ шариотида йирик ка-нализация коллекторини бар-по этиш қўл вақт, катта меҳ-нат ва маблагни талаб қиладиган ўта мураккаб ва машаққатли юмушдир. — дейди «Тошвилсубоқова» очик акциядорлик жамияти бошқарув раиси Отаҳон Маҳ-мурдов. — Шўнга мувофиқ, лойиҳа режасини тўла-тўқис амалга ошириш учун 5,2 мил-лион АҚШ долларини микдор-да маблаг сарфланади. У Ҳитой сармоядорлари ажра-тадиган инвестициялар ҳис-обидан қўланади. Эзгу ни-ятда бошланган иш ниҳоя-сига етказилса, аввало, маз-кур канализация тармоғидан фойдаланувчи 190 мингдан ортиқ кишининг турмуш тар-зи янада фаровонлашади. Иқкинчидан, сув, ҳаво ҳамда туپроқнинг тозаллиги ва бе-ғўборлиги жаҳон экология-санитария андозалари дара-жасига кўтарилади. Пирова-рида, «Ўзбекистон Швейца-рияси» номини олган Бўстонлик чин маънода гузал ва сўлим гўшага айланади. Пуриқор тоғлар ён бағри-даги саломатлик муассаса-лари, одатдагидек, ҳамюрт-ларимизнинг севимли мас-канларидан бўлиб қолади. Қўларча, бу ерда экуризи-мини ривожлантириш, чет эл-лик сайёҳларни жалб этиш заваитга республикамиз иқтисодиётини янада боий-тиш имконияти яратилади.

Абдуноби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Нукус шаҳрида ўтказилган оммавий хашарда ёшларнинг «Ҳар ким бир тулдан қўчат экин» шiori остидаги ташаббуси кўнчилиқни эзгу ишларга руҳлантирди.

ЭЗГУЛИККА ЧОрЛАЙДИ

— Озодалик, покизалик тиб-биёт ҳодимига қўйиладиган асо-сий талаблардан биридир, — дейди Тошкент педиатрия ин-ститутининг Нукус филиали та-бибик-профилактика факультети декани Кенгесбой Утемура-тов. — Шу боис, булажак тиб-биёт ҳодимлари ободонлашти-риш тадбирида фаолиқ қўрсатишмоқда. 40 нафар ўқитувчи ҳамда 200дан зиёд талаба иш-тирокида ўқув масканимизга яқин бир нечта қўча ҳамда ариқ-зовурларни тозалаядик.

Маълумотларга қўра, уч йил илгари Қоракўлпоғистонда боғ-роғлар майдони 3500 гектарни ташкил қилган бўлса, ўтган йилги 4761 гектарга етди. Шўб-ҳасис, мўвжа юрдошларимиз-нинг мавжуд боғ-роғларини обод қилиш, қўқаламзорлаштириш тадбирларига сидқидилдан уюшаётгани туфайли эришил-моқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.

КўНГИЛ ОБОД БўЛСА — ДИЛЛАР ПОКЛАНГАЙ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бизнинг табиат уйғонаётган, жонланаётган бу бегубор палла-да нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий поклик, кўнгли сўхўйлигига иштишимиз, албат-та, ёшларга ибрат бўлулик. Ас-лида савобу эзгулик ҳақида сав-лаб ваъз уйғонган қўра, ана шу амалий ҳаракатимизнинг ўзи ўрнек вақфосини ўтайди, диллар-да эзгуликка бўлган ҳексиз ҳавас тўғриси кўз онади. Ешларимиз-нинг «Ҳар ким бир тулдан қўчат экин», шiori остидаги уюшқ-лигининг ўзбек ушбу фикримизни исботлайди. Навқўрон йилги-қў-ларнинг маҳалла ва ўқув маскан-ларида ҳар кимнинг мажбурияти-сиз, ўз ташаббуслари билан обод-донлаштириш ва қўқаламзорлашти-риш тадбирларига бел боғлаш-ганини ҳар биримиз қўриб-билиб туришимиз. Яқинликнинг шилиқ олиб келгани шу-да!

Шулар ҳақида уйлар экан-сан, бекитиб қочаги кун ман-зараси кўз ўнгида гавдала-нади. Зинратоҳлару қабристон-

ларни бугунгидек саршилташ у ёқда турсин, ҳатто ўз ота-онасининг қабрини зинрат қилишга юраги бетламай дар-дини ичга ютганга қаммиди?!

Минг шўқри, бугун ҳамма-си бошқача. Бугун биз ҳар бир босган қадамимиз савобга хиз-мат қилишини дилга тутиб ҳара-кат қиламиз. Байрам шодие-наларда мўқддас қадимолар-ни обод қилиб, ота-боболари-миз, азиз авлиёларимиз руҳи поклари ҳақида дуолар ўқиймиз. Истасак, маҳалламизда файзли гузар қўраимиз, ёшларимизга атаб боғ-роғлар яратамиз. «Бойимиз?» деган саволга ҳеч иккиланмай, баралла: «Ҳа, мен бойман!» дея ортирганганимизни қўмақа мўҳтобларга улашамиз. Ёш-яланларни қўллаб-қувват-лаш, уларнинг ҳаётида ўз ўрни-ни топишга қўмақлашиш йўлида истаганимизча, биродан ҳадик-сирмай хайру савоҳат қўрсата-миз. Шўларнинг бари бу юрт-га Ҳизр назар қилган, дейилу-чи таърифнинг байғини кўзгуда-ги акси эмасмикан?

Бизнингча, шўқрона учун, эл-юрт равнақи йўлида астойдил, жон-дилдан меҳнат қилиш, эзгу ва савоб ишларга бел боғлаш

ЖАҲОН 24 соат ичида

Мексикада ер силкиниши

Мексика жанубида Рихтер шкаласи бўйича 5,7 баллга тенг ер силкиниши кузатилди.



АҚШ геологлар хизмати ходимлари хабарига айтилишича, табиий офат маркази Мексиканинг Тинч океани қирғоқларида содир бўлди. Хозирча вайронгарчиликлар ҳамда талафот кўрганлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Кенгаш тузилиши маъқулланди

Европа Иттифоқи мамлакатлари раҳбарлари Ўрта Ер денгизи Кенгаши тузилиши маъқуллади.

«Франс-пресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, мазкур қарорни Словения бош вазири, айни пайтда ЕИ президенти лавозимида ишлаб келаётган Янез Янша маълум қилган.

— Мазкур лойиҳа ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, — деди бош вазир. — Энди турли тadbирларда Ўрта Ер денгизи Кенгаши фаолиятини йўлга қўйишни тахлил қилишимиз керак.

Парламент сайловлари бўлиб ўтди

Кеча Эронда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

Сайлов участкалари маҳаллий вақт билан соат 8:00 да очилди. Эрон парламентида 290 ўрин мавжуд бўлиб, унга 4500 нафар номзод даъвогарлик қилди.

Экспертлар таҳминга кўра, сайловда энг кўп овозни мамлакат президенти Махмуд Ахмадинежад бошқараётган партия вакиллари олиши мумкин.

Техника сотиб олиши мумкин

Кубада узок йиллардан бундан аввалроқ элиб келатган компьютер, DVD маъсулотлари ва видеолеерларни сотишга қўйилган тақиқ олиб ташланди.

Бу ҳақда Куба ҳужжатлари асосида «Рейтер» агентлиги хабар тарқатди. Ушбу ҳужжатда аҳоли вакиллари микротўқинли печлар, автомобиль сигнализациялари ҳамда 19 ва 24 дюймли телевизорларни харид қилишлари мумкин. Кондиционерлар эса келаси йилдан сотилади.

Мутахассислар мамлакатдаги бу ишлотларни ривожланиши сари қўйилган илк қадам, дея баҳолашмоқда.

Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ

Диаметр от 20 до 110 мм с различной толщиной стенки

Для:

- ВОДОСНАБЖЕНИЯ
- ГАЗОСНАБЖЕНИЯ
- КАНАЛИЗАЦИИ
- КАБЕЛЬНЫХ РАБОТ и др.

Форма оплаты — безналичный расчет.

Тел: +998 97 1587899, факс: +998 71 3682525

E-mail: trubs_uz@mail.ru

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРИНИМАЕТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ И ПЛАСТМАССОВЫЕ ОТХОДЫ

(БАКЛАЖКИ, ПАКЕТЫ И ПРОЧЕЕ)

ПУНКТЫ ПРИЕМА: Хамзинский р-н - тел. 301-90-84
Чиланзарский р-н - тел. 253-90-08

302-16-90, 454-45-75 Круглосуточно



Хукуматимиз мамлакатда ялпи ички маъсулот ҳажмини ошириш, ташқи савдо балансини мустаҳкамлаш, инфляциянинг суръатини пасайтириш орқали макроиктисодий барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, республикада аҳоли бандлик даражасини яхшилаш масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, умуман, миллий фаровонлик даражасини юксалтириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш ҳам диққат марказида турибди.

«Асака» банки: КИЧИК БИЗНЕС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Зеро, мамлакатимизда бундай тузилмалар сонининг кўпайиши, уларнинг молиявий-иктисодий аҳолининг яхшиланishi макроиктисодий мезонларнинг янада барқарорлашувига хизмат қилмоқда.

Тижорат банклари олдида қўйилган асосий вазифалардан бири эса кичик бизнес субъектларини ҳамда аҳолини молиявий маблағларга бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бу борада «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда мазкур банк тизимида жами 27 филиал ва 91 та мини банк фаолият кўрсатаяпти. Бу ерда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг мuddати ундан фойдаланиш мақсадида мослаштирилган ҳолда белгиланмоқда. Кредит маблағлари асосан маъсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёни харид қилишга, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг моддий-техника базасини шакллантириш учун эътиб ва бутловчи қисмларни, шунингдек, турли хил мини технологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизида маъсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Жумладан, 2007 йил мобайнида банк томонидан жами 68,5 млрд. сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилиб, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тadbир-

корлик ҳамда аҳоли молиявий талабининг сезиларли даражада қондирилишига эришилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги 348-сонли қарорига биноан, банк томонидан Осий Тараққиёт банки кредит линияси маблағлари ҳисобидан «Кичик ва микромолиялаштириш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа бўйича «Асака» банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўртасида «Кайта кредитлаш келишув» имзоланган бўлиб, ушбу кредит линияси бўйича банк орқали 6,5 млн. АҚШ долларлик лойиҳаларни молиялаш мақсадида банк ўз маблағлари ҳисобидан турли хил шартларда жами 43 млрд. сўм миқдорда тижорат кредитлари ва имтиёзли кредитларни ажратди. Натижада қўшимча 3600 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли

қарорига мувофиқ эса, давлат эътиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маъсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 2007 йилда фермерларнинг эътиёжидан келиб чиққан ҳолда, банк филиаллари томонидан фермер хўжалиқларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма маб-

лағлари ҳисобидан пахта етиштириш учун 8,1 млрд. сўм ва галла етиштириш учун 403,3 млн. сўм, жами 8,5 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, банк барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1,3 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларидаги чорва молларни қўлайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра, 2007 йилда четдан наслии қорамоллар сотиб олиш

Давлат-акциядорлик тижорат «Асака» банки жамоаси 2008 йил — Ёшлар йилида ҳам кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни, аҳоли ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Давлат-акциядорлик тижорат «Асака» банки матбуот хизмати.

Товар сертифицирован

САНТЕХНИКА

(Унитазы: 80 000 сум. — б/н, 72 000 сум. — за налич.)

(Умывальники: 50 000 сум. — б/н, 40 000 сум. — за налич.)

ЛИНОЛЕУМ

БОЛЕЕ 10 РАСЦВЕТОВ

(4800 сум. — б/н, 4100 сум. — за налич.)

ПЛИТКА

ОБЛИЦОВОЧНАЯ

РАЗМЕРЫ: 33x33, 33x15, 33x10см

ВСЯ ПРОДУКЦИЯ ИЗ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТОГО МАТЕРИАЛА

Тел.: (+99898) 301-90-84 (круглосуточно), 302-16-90, 233-15-77, 233-14-42, 294-51-00, 280-5540/41/42

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

24-сонли Курилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

«Навоий туманидаги Касаба-Дурман каналини қайта қуриб, 8,0 гектар ерни ўзи оқар сув билан таъминлаш» объекти қурилиши бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Ишларни тугаллаш мuddати — 29 ой.

Буюртмачи — 24-сонли Курилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

Манзил: Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 24-уй.

Лойиҳани молиялаштириш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уй.

Тел./факс: (436) 225-53-85.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони талаблари асосида эса, банк аҳолини, хусусан, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан муйим қўшимча маблағларни асосан охиришмоқда. Жумладан, 2007 йилда 561 та оилага 18 млрд. сўмликдан зиёд ипотека кредитлари ажратилди. Шундан 404 та ёш оилага имтиёзли шартларда берилган 12,4 млрд. сўм миқдорда ипотека кредитлари узок мuddатлидир.

Бундан ташқари, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг турли хил ўй хижозлари ҳамда бошқа истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш мақсадида банк томонидан жами 5,3 млрд. сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га такдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш куну ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар диққатиغا!

«САХОВАТ» АЖ

Навоий шаҳридаги Марказий деҳқон бозори ҳудудидаги «2-сонли сабзавотлар савдо айвони ва ёпиқ павильони қурилиши» объекти бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

Ишларнинг тугалланиш мuddати — 2008 йил 15 декабрь.

Буюртмачи — «Саховат» АЖ.

Манзил: Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси.

Лойиҳани молиялаштириш «Саховат» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаш тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўров-нома билан савдо ташкилотчиси — Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уй.

Тел./факс: (436) 225-53-85.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони талаблари асосида эса, банк аҳолини, хусусан, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан муйим қўшимча маблағларни асосан охиришмоқда. Жумладан, 2007 йилда 561 та оилага 18 млрд. сўмликдан зиёд ипотека кредитлари ажратилди. Шундан 404 та ёш оилага имтиёзли шартларда берилган 12,4 млрд. сўм миқдорда ипотека кредитлари узок мuddатлидир.

Бундан ташқари, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг турли хил ўй хижозлари ҳамда бошқа истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш мақсадида банк томонидан жами 5,3 млрд. сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси га такдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш куну ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

«Дойче Кабель АГ Ташкент» ОАЖ КК

Кенг ассортиментда кабель-ўтказгич маъсулотлари ва пўлат симдан тайёрланган буюмлар

Турли диаметрдаги пўлат симларни тайёрлаймиз.

Чегирмалар тизими мавжуд

Батафсия маълумот олиш учун сайтимиз: www.dkg-ag.de

- пўлат сим
- пахта тойини ўраб боғлаш учун сим (пояс)
- тиканли сим
- «Егоза» сими
- пайвандлаш сими
- темир-бетон конструкциялар учун сим (ВР-1, ВР-2)
- мис тилимлар (шины)
- арматура
- михлар

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100058, Ж. Обидова к., 276-уй.

Тел./факс: (+998 71) 150-21-25

248-36-30, 248-81-89, 248-81-91, 248-20-63.

Уяли тел.: 172-00-19, 388-86-06.

E-mail: info@dkg-ag.de, export@dkg-ag.de

МАЪСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кабель маъсулотларини ўраш учун металл ва ёғочдан тайёрланган катта ғалтаклар (барабан)ни сотиб оламиз.

Буюртма бўйича тайёрлаймиз.

Drive your way

Тел: 250-11-11, 250-69-99.

Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил.

МАЪСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner

www.hyundai-motor.com

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Йўлланмалар учун кураш

Тошкентда 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати...

Жиззахдаги 29-Меҳрибонлик уйининг капитал таъмирланган бадий гимнастика зали фойдаланишга топширилди.



Гимнастика залига вилоят ҳокимилиги ва вилоят гимнастика федерацияси томонидан 600 минг сўмликдан зиёд спорт анжумлари ва кийимлари совға қилинди.

Меҳрибонлик уйда бадий гимнастика бўлими

Тақдимот маросимида вилоят терма жамоаси аъзолари кўргазмачи чиқишлари билан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳушнуд этишти.

Вилоят гимнастика федерацияси масъул котиби Анвар Нормуродовнинг таъкидлашича, Жиззахда кейинги икки йил ичида бадий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар сони 550 нафарга кўпайган.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Сингапурда футбол бўйича ўсимлар ўртасида ўтказилган «Шер шаҳри кубоги» халқаро турнири қизгин паллага кирди.

Футболчиларимизнинг муҳим ғалабаси

Хабарингиз бор, «В» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўрашувда тайландлик тенгдошларига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган эди.

Билаги эйрлар баҳси

Ферғонада армрестлинг (қўл кучини синаш) бўйича вилоят кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман босқичларида муваффақият қозongan спортчилар ўн бир вазн тоифасида беллашдилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Педагоглик, ўқитувчилик, мураббийлик — шарафли касб. Жамият ўз бағрида баркамол, етук авлодни вояга етказишга интилар экан, бу вазифани амалга оширишда энг катта масъулият педагоглар зиммасига тушади.

ШАРАФЛИ КАСБ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Қорақалпоғистон мактаблари ва бошқа тарбия муассасалари учун педагог кадрлар етиштириб бераётган олий таълим даргоҳидир.

Олий ўқув юртида ёшларнинг ҳуқуқий билим малакасини ошириш ҳам жиддий вазифалардан биридир. Бу борда илмий-назарий машғулотлардан ташқари, прокуратура, Ички ишлар вазирилик ҳодимлари билан мунтазам ўтказилаётган ўрашувлар талабалар ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналаридаги иштироки ҳам институт маънавий ҳаётидаги қувончли воқеалардан саналади.

Шу ўринда институтда талабаларнинг спорт соҳасида кўлга киритаётган ютуқлари хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Бугунги кунда бу ерда спортнинг футбол, волейбол, теннис, дзю-до, баскетбол, бокс, бодибилдинг турлари бўйича секциялар мунтазам ишлаб турибди.

та спорт зали, 2 та баскетбол, 4 та волейбол, 1 та футбол, 1 та қўл түпи майдончалари ёшлар хизматига.

2006 йил май ойида Тошкент шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида институтнинг «Мусликий таълим ва жисмоний тарбия» факультети талабаси Жамшид

Камолов жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритгани энг масъули тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолди.

Жамшиднинг мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинишида чўқур маъно бор, — дейди биз билан суҳбатда институт ректори Бахт Жоллибеков.

Худой АХМЕДОВ, Илья ДИЛЬМАНОВ.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968 сонли «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бажарилиши юзасидан «Ўзсаноатқурилишбанк» аҳолига бир неча турдаги юқори даромадли муддатли, жамғарма ва талаб қилиб олингунга қадар омонатларни таклиф этади.

Қуйидаги жадвалда берилган банк омонатлари барча ёшдаги жисмоний шахслар — ишчилар ва пенсионерлар, ёшлар ва ўрта ёшдаги фуқаролар гуруҳлари эҳтиёжларини қамраб олади.

Table with columns: Омонат (депозит) номи, Муддати, Йиллик фойиз ставкаси, Бошланғич бадал (сум ва АНШ допл.). Includes sections for Миллий валютадаги омонатлар, Жамғариладиган омонатлар, Хорижий валютадаги омонатлар.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган. Вақт мобайнида сигналган ишонч!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАВОЙЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нарни ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.

Очик аукцион савдосига Навоий вилояти хўжалик сундининг 2007 йил 6 июлдаги ажригига мувофиқ банкrott деб эътироф этилган Хатирчи тумани «Лангар УзРос» ҚК АЖнинг қуйидаги мол-мулклари қўйилмоқда:

- 1-лот: 1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 21 AD 034 бўлган «ГАЗ-53» русумли а/м, бошланғич баҳоси — 1 005 093 сўм. 2-лот: 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 21 AD 029 бўлган «ГАЗ-3702» русумли а/м, бошланғич баҳоси — 1 005 093 сўм. 3-лот: 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 21 AD 030 бўлган «ГАЗ-66» русумли а/м, бошланғич баҳоси — 1 311 960 сўм. 4-лот: 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 21 AD 037 бўлган «ГАЗ-53» русумли а/м, бошланғич баҳоси — 1 005 093 сўм. 5-лот: 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 21 AD 017 бўлган «КРАЗ-257Б» русумли а/м, бошланғич баҳоси — 1 443 156 сўм. 6-лот: 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 21 AV 560 бўлган «УАЗ-31512» русумли а/м, бошланғич баҳоси — 1 043 009 сўм. 7-лот: ошқона ва машиий хизмат биноси, бошланғич баҳоси — 74 250 466 сўм. 8-лот: «Олтин булок» насосхона биноси, бошланғич баҳоси — 377 600 сўм. 9-лот: алоқа биноси, бошланғич баҳоси — 1 639 950 сўм. 10-лот: портловчи моддалар сақлаш биноси, бошланғич баҳоси — 5 085 559 сўм. 11-лот: клуб биноси, бошланғич баҳоси — 99 645 330 сўм. 12-лот: «Ок сув» дам олиш оромгоҳи, бошланғич баҳоси — 61 125 700 сўм. 13-лот: чойхона биноси, бошланғич баҳоси — 55 632 112 сўм. 14-лот: профилакторий биноси, бошланғич баҳоси — 39 910 925 сўм. 15-лот: музей биноси, бошланғич баҳоси — 16 416 454 сўм. 16-лот: кутубхона биноси, бошланғич баҳоси — 4 481 470 сўм. 17-лот: «Гелион» биноси, бошланғич баҳоси — 69 628 990 сўм. 18-лот: «Гастроном» савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 9 971 102 сўм. 19-лот: собиқ поликлиника биноси, бошланғич баҳоси — 30 603 468 сўм. 20-лот: яшил майдон, бошланғич баҳоси — 13 511 сўм. 21-лот: «Баҳор» савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 28 081 313 сўм. 22-лот: «1000 хил» моллар дўкони биноси, бошланғич баҳоси — 38 527 316 сўм. 23-лот: навбатчи магазин биноси, бошланғич баҳоси — 4 730 107 сўм. 24-лот: гўшт дўкони биноси, бошланғич баҳоси — 8 916 643 сўм. 25-лот: омонат кассаси, бошланғич баҳоси — 1 242 447 сўм. 26-лот: дорихона биноси, бошланғич баҳоси — 5 125 425 сўм. 27-лот: новвойхона биноси, бошланғич баҳоси — 28 512 407 сўм. 28-лот: 25 кубли сўғим, бошланғич баҳоси — 892 789 сўм. 29-лот: бетонли тўсик, бошланғич баҳоси — 150 888 сўм. 30-лот: электр таль 21- русумли 3 та, 2,5 тн., бошланғич баҳоси — 4 014 598 сўм. 31-лот: электр таль, бошланғич баҳоси — 223 034 сўм. 32-лот: «ТДМ-500» русумли пайвандлаш ускунаси, бошланғич баҳоси — 224 346 сўм. 33-лот: 1989 йилда ишлаб чиқарилган «ЭО-5124» русумли экскаватор, бошланғич баҳоси — 7 871 760 сўм. 34-лот: 1989 йилда ишлаб чиқарилган 2 та компрессор, бошланғич баҳоси — 1 377 58 сўм. 35-лот: 1990 йилда ишлаб чиқарилган электр таль, 3 тн., бошланғич баҳоси — 223 034 сўм. 36-лот: 1988 йилда ишлаб чиқарилган «110А-2» русумли бульдозер, бошланғич баҳоси — 2 164 734 сўм. 37-лот: 1988 йилда ишлаб чиқарилган «Т-130 ДЗ-190» русумли 2 та бульдозер, бошланғич баҳоси — 5 772 624 сўм. 38-лот: 1988 йилда ишлаб чиқарилган «ПР-12» русумли компрессор, бошланғич баҳоси — 6 067 815 сўм. 39-лот: 1984 йилда ишлаб чиқарилган «МЛ-800» русумли мотто помпа, бошланғич баҳоси — 84 655 сўм. 40-лот: 75 кВт ли эл.двигатель, бошланғич баҳоси — 819 975 сўм. 41-лот: «400x1500» русумли эл.двигатель, бошланғич баҳоси — 3 083 106 сўм. 42-лот: электр шакафи 2 та, бошланғич баҳоси — 119 612 сўм. 43-лот: 1994 йилда ишлаб чиқарилган «Т-28x4» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 3 780 000 сўм. 44-лот: 1,8 км.ли асфальт майдон, бошланғич баҳоси — 585 874 сўм. 45-лот: 1 км.ли асфальт майдон, бошланғич баҳоси — 305 495 сўм. 46-лот: 1 км.даги йўл, бошланғич баҳоси — 193 999 сўм. 47-лот: сув минораси, бошланғич баҳоси — 57 245 сўм. 48-лот: «11-505» русумли 15 та шафк, бошланғич баҳоси — 472 306 сўм. 49-лот: ишлаб чиқариш фабрикаси мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 978 022 934 сўм. 50-лот: автогараж, маъмурий ва айвон биноси 25 та автотранспорт воситалари билан («КРАЗ», «МАЗ» ва бошқалар) мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 129 707 098 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 19 март кuni соат 12.00 да Хатирчи тумани, Лангар қўрғони, «Лангар УзРос» ҚК АЖ маъмурий биносида ўтказилади.

Қўридаги мулклар ушбу савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2008 йил 26 март ва 2, 9, 16, 23, 30 апрель кунлари соат 12.00 да Навоий шаҳри, П. Очиллов кўчаси, 24-уйда ўтказилади.

Ушбу мазмундаги хабарнома Навоий вилояти «Дўстлик байроғи» газетасининг 2008 йил 14 февралдаги 9 (2826)-сонидан чоп этилган.

Лицензия: DB 001 № 000004.

Қушимча маълумотлар учун манзил: Навоий ш., П. Очиллов к., 24-уй. Телефонлар: 8 (436) 770-35-90, 22-4-64-31.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. «МЕХРЛИ САВДО» ШУЪБА КОРХОНАСИ 2008 йилнинг II чорағида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади: САРИЁФ, I-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақавар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тогоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусахҳад — Ш. Машраббеов. Топшириш — 21.50 1 2 3 4 5 6 7